

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 11-DEKABR ■ SHANBA ■ 149 (27.324) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**аҳолининг кам даромадли қатлами, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, талабалар, ишсиз ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаларидан деб ҳисоблайди**

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**

### ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Мамлакатимиз Асосий Қомусининг 12 йиллиги байрами кунларида Сирдарё вилояти маркази — Гулистон шаҳрида «Сайхун-МедТекс» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ишга тушди. Таъсисчилари «Узфармсанот» давлат акциядорлик жамияти ва Швейцариянинг «EWI Eastwest Interaction AG (SA, Inc)» компанияси бўлган, умумий лойиҳа қиймати 15,0 млн. еуродан иборат ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилга 3,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 2,6 минг тонна ип калаваси ва ундан 2,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қўшма корхона бош директори Собиржон Исмоиловнинг айтишича, республика маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхонада жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олган уч юзга яқин сирдарёлик йигит-қиз меҳнат қилмоқда. «Made Uzbekistan» тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 90 фоизи экспортга жўнатилди.

Алишер РЎЗИЕВ



Суратларда: оператор Муҳайё Диёрова; корхонада иш қизгин.



Сервар УРМОНОВ (ўзА) олган суратлар

### ЎзХДП хабари

2004 йилнинг 9 декабрь кунини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Давлат Думасининг делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Россия Федерацияси Давлат Думасининг МДХ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Г.Билолов, Давлат Думасининг

### ДУМА ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Энергетика, транспорт ва алоқа бўйича қўмитаси аъзоси Е.Н.Заяшников, Давлат Думасининг МДХ ишлари ва ватандошлар билан алоқалар қўмитаси аппаратининг маслаҳатчиси А.Г.Георгиевский ва мазкур Қўмитанинг матбуот котиби В.Ф.Стефанов таркибидаги ушбу делегация республикада сайловолди ишларининг бориши билан танишиш мақсадида ташриф буюрган. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, партиянинг Олий Мажлисидаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик меҳмонларга Ўзбекистон Халқ демократик партияси, унинг сиёсий йўналиши, дастурий ҳолати ва сайловолди кампаниясида иштироки тўғрисида сўзлаб берди. Хайрихолик руҳида ўтган суҳбатда меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг биринчи котиби А.Б.Келанов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби М.Ельшов, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари С.Қурбонов ва В.Абдусаматовлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

10 декабрь кунини Президент Ислон Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишди.

Маълумки, Тошкентнинг қадим тарихга, ўзига хос қиёфага эга бўлган, аҳоли зич яшайдиган Эски шаҳар қисми доимо давлатимиз раҳбарининг эътибор марказида бўлиб келди. Айниқса, мустақиллик йилларида бу жойларни ободонлаштириш, унга замонавий кўрк ва чирой бахш этиш, эски тузум даврида ечилмай келган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп иш қилинди. Хусусан, даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Фафур Фулом, Форобий каби эгрийбурги, тор кўчалар кенгайтирилиб, равон магистрал йўллар барпо этилди. 167 гектардан ошқ худуд кўкalamзорлаштирилди. Қарийб етмишта маҳалла гузари, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, таълим масканлари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, ишга туширилди.

қатлашиш шаҳобчалари ишини замонавий асосда ташкил этиш, бир қатор биноларнинг тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда таъмирлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Бу ерда амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳажмини ҳисобга олиб, «Юртбошимиз» муносабатларга Эски Жўва худудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тарихидан муносиб ўрин олган аъёнлари, миллий қадриятлари билан биргаликда, машҳур меъморий обида ва ёдгорликлари, маъмурий бинолари ҳамда бош майдонлари бўлади.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳам ана шундай тарихий аҳамиятга эга маскандир.

Истиклолимизнинг биринчи кунларидан эътиборан Президентимиз раҳбарлигида кўплаб тарихий, сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу майдонга янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг қиёфасини тубдан янгилаш бўйича кўп ишлар қилинган жамоатчилигимизга яхши маълум.

Ҳозирги кунда ана шу ўзгаришларнинг мантқий давоми сифатида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ҳақда тўхталар экан, Мустақиллик майдонини реконструкция қилишда яхлит меъморий ва гоёвий ечим асосида ёндашиш зарурлигини уқтирди.

Шу кунларда Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бунёд этилаётган Олий Мажлисининг юқори палатаси бўлиши Сенат биносидан пардозлаш ишлари охирига етказилмоқда.

Сенат биноси ўзининг улғуворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этиши, халқимизнинг гурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилиши керак. Кўплаб ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бу майдон, ундаги Сенат биноси юртимизнинг узок-яқин шаҳар-қишлоқларидан пойтахтимизга келадиган юртдошларимиз учун зиёратгоҳ бўлиши, бу ерда қадам қўйган одам истиклолимиз руҳини, эркинлик нафасини янада тирак ҳис этиши лозим, дея таъкидлади Президент.

Бош майдонимизда, Анҳор соҳилида амалга оширилаётган кўкalamзорлаштириш ва ободончилик ишлари ҳам ана шу мақсадга қаратилиши, яъни одамлар учун, уларнинг хордик чиқариши учун шароит яратиб бериши даркор.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонини реконструкция қилиш, бу ердаги 19 қаватли маъмурий бинони майдоннинг умумий меъморий қиёфаси билан муносиб ҳолга келтириш, майдоннинг рамиз дарвозасини яратиб, бу ишларда замонавий ва миллий меъморчилик аъёнларининг уйғунлигига, қурилиш ва безак материалларининг сифатига талабчанлик билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, бутун юртимиздаги каби азим пойтахтимиз Тошкентда олиб борилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос тасмолли бўлиб, ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини ўйғотади.

(ЎзА)

### Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ВА САЙЛОВ ВАРАҚАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
2. Белгилан кўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси қалинлиги 70 гр/м<sup>2</sup>, сув белгили, оппоклиги камда 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш биравлашмасининг Тош-

- а) сайлов бюллетени ва сайлов варақасининг номланishi;
- б) сайлов округининг номланishi;
- в) сайлов ўтказиш намаси;
- г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;
- е) сайлов бюллетени, сайлов варақасининг настьки қисмида катта харфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдирishi тартиби бўйича тушунтириш; ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чиқиб билан ажратилган бўлиши керак;

(Давоми 2-бетда.)



«Обуна — 2005»

### «ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — БИЗНИНГ ОВОЗИМИЗ»

дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Шамсиддин САЙИДАҲМЕДОВ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушиши мамлакатимизда нефть мустақиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонанинг тез суръатлар билан қурилиши ва жамоа эришайтган муваффақиятларда «Ўзбекистон овози» газетаси-

нинг ҳам ҳиссаси бор. Бу ердаги ҳар бир янгилик сўнги йиллар давомида газета саҳифаларида изчил ёритиб келинди. Шу боис ҳам корхона аҳли эндиликда «Ўзбекистон овози»ни ўз овозларидек билишди ва унга ҳар йили биринчилардан бўлиб обуна бўлишга

шошиладилар. Кунини кеча бу ерда газетга жамоанинг 50 нафар аъзоси бутун йил охиригача обуна бўдилар. — Мазкур газетга илҳосимиз борлиги шундаки, — дейди корхона директори Ш.Сайидахмедов. — Унда муаммолар кўп ва ошқора ёри-

тилади. Айни пайтда жойларда йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан муносабатлар билдирилади. Биз обунани янада давом эттириб, унинг ҳар бир ишчи-хизматчимиз оиласига кириб боришни таъминлаймиз.

Даврон БАҲРОНОВ

### МАДҲИЯМИЗ — ФУРУРИМИЗ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Мадҳиямиз — фуруримиз» мавзусида маънавий-маърифий анжуман ўтказилди. Тадбир республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. 1992 йил 10 декабрь юртимиз тарихига Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов шеъри ва Ўзбекистон халқ артисти, машҳур композитор Муал Бурҳонов мусиқаси билан яратилган Ўзбекистон Давлат мадҳияси тасдиқланган кун бўлиб қирган.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзам давлатимиз мадҳиясининг яратилиши тарихи, унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида сўз юритди.

Нозолат УСМОНОВА, ЎзА муҳбири

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**  
XALQ BANKI

**TOSHKENT SHANAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANMKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALQOBANK — aniq, tez, ishonchli!**  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.  
WWW.alqobank.uz E-mail: info@alqobank.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ВА САЙЛОВ ВАРАҚАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари фақат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатуви остида сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг ярқоли ёки ярқосизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини олиш ваколатига эга бўлган, фойдаланиш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосида топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек топширилган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари ярқосиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қилади ва бу ҳақда далолатнома тузилади, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Таъкидлансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларининг округ сайлов комиссияларидан сайловга қамда уч кун қолганида оладилар;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фойздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетеннинг ўнг томони юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонида бўш қатлақлар қўйлаштирилади; ҳар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириб тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

овоз бериш тугагач, сайлов қўтиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қўтиларга

ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки: сайлов варақалари сайлов ўтказилишидан ўн беш кун олдин участка сайлов комиссиясига келтирилиши керак;

участка сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов варақаларининг сони, қоида тариқасида, сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонининг ярим фойздан кўп бўлиши мумкин эмас; сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчага участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

овоз бериш тугагач, фойдаланилмаган барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқланган, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгилайди.

6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов варақалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар таъминлаш ташкил этишлар.

7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини топшириш далолатномасининг намунаси тасдиқлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Хўжаева зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Бўришош МУСТАФОВЕВ Ташкент шаҳри, 2004 йил 20 ноябрь.

«Газетамизнинг 2004 йил 7 октябрь сонидан ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Зарбдор туман ҳокимининг даъво аризасига қараб, «Ўзбекистон» фермер ҳўжалиги тасарруфига бўлган ер майдонидан фойдаланишнинг аҳолига Жиззах вилоят ҳўжалик суди томонидан ўрганиб чиқилиб, унинг ширкат ҳўжалигига қайтарилиши ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги ва бундан фермер Ш.Ингитовнинг норозилиги, ҳусусан, унинг суд масаласи чуқур ўрганиб қарор чиқарган, дея эътироз билдиргани беён қилинган эди. Ушбу мақола бўйича республика Олий ҳўжалик судидан жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

«СОБИҚ ФЕРМЕР НИМАДАН НОРОЗИ?»

«...Зарбдор туман ҳокимлиги Жиззах вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Нурафшон» ширкат ҳўжалиги ҳудудидида «Ўзбекистон» фермер ҳўжалигига ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилишни сўраган. Давво аризасида фермер ҳўжалиги томонидан ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасининг 12-банди бажарилмаганлиги, режалаштирилган 72,1 га. ер майдонига пахта экмасдан шахсий манфаати учун 9,1 га. ерга бошқа экинлар экилганлиги кўрсатилган.

Вилоят ҳўжалик судининг 2002 йил 10 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлан-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

Table with 2 columns: 00-Ноярў сайлов округи, 2004 йил 26 декабрь. Includes names like ANTONOV, BOTIROV, RASULOV, UMAROV, FOZILOV, YANBIBOBA.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сайловига доир САЙЛОВ ВАРАҚАСИ

Table with 2 columns: 00-Ноярў сайлов округи, 2004 йил 26 декабрь. Includes names like ANTONOV, BOTIROV, RASULOV, UMAROV, FOZILOV, YANBIBOBA.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

апелляция инстанциялари судларининг қарорлари ўзгариши, жавобгарнинг қассияси шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пденумини «Кўшлоқ ҳўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмоличликларни олдини олишда ҳўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида» 2004 йил 12 мартдаги 115-сон қарорининг 7-бандида фермер ҳўжалигини томонидан тузилган контрактация шартномалари бўйича ўзига олган мажбуриятларга қўра пахта ва дон экишга мўлжалланган ерларга бошқа экинлар экиш ҳамда қўшлоқ ҳўжалигига мўлжалланган экин майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, яъни пахта ва галла етиштириш учун берилган бунақ пуллари, техника, ёниги ва минерал ўғитлардан фойдаланиш, лекин маҳсулот топширмастик, давлат буюртмасига оид маж-

СФУлар ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг «Ле Меридиан Ташкент Палас» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг иштироки» мавзудида семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Америка Қўшма Штатларининг халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан молиялаштирилган СФУ — Сувдан Фойдаланувчилар Уюшмаларининг ривожлантириш дастури асосида уюштирилди. Унда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг масъул ходимлари, республика оммавий ахборот воситалари ҳамда СФУлар вакиллари, шунингдек, хорижий мутахассислар иштирок этишди.

Маълумки, бугунгача республикада 562 та СФУ кенгаши тузилган. Ушбу кенгашларнинг вазифалари — сув ресурсларини бошқаришни тақомиллаштиришга оид амалий тажрибаларни татбиқ этиш, мобилизаторларга унинг мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумотлар бериш ва уни омаллаштиришдан иборатдир. Жумладан: унинг дастури Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари, Сувдан Фойдаланувчилар Уюшмаларининг демократик ташкилининг асосида ривожлантиришга ва мустақамлашга қўмақ беради. Дастур техник қўмақ, ўқув машғулоти ва грантлар орқали СФУларнинг ривожланишини рағбатлантиради ҳамда сувдан фойдаланувчилар учун амалиётда сигналган замонавий сув тақсимлаш тизимини яратди. Мазкур тадбирда Ўзбекистонда СФУларнинг ҳозирги кундаги ҳаракати ва СФУлар фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаси тўғрисидаги масалалар атрафлича ўрганиб чиқилди.

Тошмомир ХУДОЙҚУЛОВ



УКРАИНА: ЗИДДИЯТЛАР ҚАЧОН БАРҲАМ ТОПАДИ?

Украинанинг ҳавотирли кунлари Янги йил байрамларидан кейин ҳам давом этадиганга ўхшайди. Бу ҳақда Иван Заец ва Степан Гавриш бирдай башорат қилишмоқда.

Степан Гавриш — Янукович кампаниясининг раҳбарларидан. У Януковичнинг Украина Марказий сайлов комиссияси ва Олий судидидаги вакилидир.

— Муҳолифат силарга нисбатан кўплаб даъволарни олға сурмоқда, силарда муҳолифат томонга қандай даъвоғиз бор? — Биргина даъвоғиз бор. У ҳам бўлса муҳолифат бу зиддиятларнинг орасида Украина тақдирини унутиб қўймоқда. Бу ерда гап Янукович ёки Гавриш ҳақида кетаётгани йўқ. Айни пайтда вазият жуда ҳам қалтис бўлиб турибди. Бу вазиятни ҳозир ушлатиш мумкин, бироқ эртага кеч бўлиши мумкин.

— Янукович, нима бўлганда ҳам куч ишлатилиши ҳолати рўй бермаслигини ваъда берганди.

— Агар куч ишлатилиши ҳолати рўй берадиган бўлса, билинки бу куч ҳукумат томонидан эмас, балки жамяят томонидан ишлатилган бўлади. Мамлакатнинг шарқий қисми муҳолифат номзоди Юшченконки тан олмгани тўғрисида айримчилик қайфияти янада қучайиб бормоқда.

— Харьков, Донецк ва Днепрпетровск вилоятлари Украинадан ажралиб чиқиши ҳақида маълум қилганида Янукович ҳам Днепрпетровскда эди. Бирок ўша пайт у бундай ҳолатга ҳеч қандай изох бергани йўқ.

— Бирок кўп вақт ўтмай улар ҳам ўз шаштидан қайтишди. Уларнинг ўз сўзларидан қайтиши, Янукович Украина шарқига бориб губернаторлар билан олиб борган музокараларнинг натижасидир. Аммо бу минтақадаги аҳоли тамомилан ўзгарди дегани эмас. Хали ҳам Донецкда кўплаб одамлар намойишга чиқиб мухтор республика қуришни талаб қилмоқда.

Бу кетишда биз ўтган давр мобайнида эришган барча нарсалар — иқтисодий ўсиш ҳамда демократиядан айрилишимиз мумкин. Айни пайтда Украина демократияси қаттиқ дардга чалинган. Уни зудлик билан даволаш керак.

— Сиз халқаро воситачилар — Польша ва Литва президентлари ҳамда Европа Иттифоқи ташқи хавфсизлик бўйича олий вакили Хавьер Солананинг икки томонли музокара солига таклиф этиш борасидаги ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?

— Уларнинг ҳаракатлари қўтилган натижани бермади. Бирок ўша пайтдаги шароитда уларсиз музокара олиб бориш жуда ҳам мушкул иш эди. Устига-устак муҳолифат умуман музокара олиб боришдан бош тортиди.

Аммо Юшченкога ҳам осон эмас. У асосатда қолди. Чунки унинг тарафдорларининг бир қисми музокараларга тайёр бўлса, яна бир қисми умуман келишишни истамайди.

— Олий суд томонидан Янукович бошчилигидаги ҳукуматта ишонсизлик билдирилиши борасида нима дея olasiz?

— Суд жараёни давомида сайловлар мобайнида қонунбузарликлар рўй берганини исботловчи аниқ далиллар келтирилмади. Бирок суд қарори қандай бўлишидан қатъи назар биз уни ҳаққоний эмас деймаймиз.

— Украинада рўй берган «тўқ сариқ ранг иқтилоб» эски йилда қолиб кетадими?

— Менимча йўқ. Жамятимиздаги зиддиятлар жуда ҳам кучли бўлгани учун бу жараён анча узоққа чўзиладиганга ўхшайди.

ТАРТИБСИЗЛИКЛАРГА КИМ АЙБДОР?

Иван Заец В.Юшченконинг Черкасск областидаги 200-сайлов округи бўйича ишончли вакили. Охириги пайтда у оммавий ахборот воситалари орқали Юшченкондан ҳам кўра тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Иван Заец совуқ кунларда кўчаларда оммавий чиқишлар қилиб шамоллаб қолган бўлсада, биз билан сўхбатлашишга имкон топди.

— Айтишларича бир неча ҳафтадан бундан давом этаётган намойишлар Украина иқтисодиёти учун қимматга тўшмоқда. — Агар бунда муҳолифатни айбдор қилишгаётган бўлса қаттиқ янглишилади. Биз кампания давомида бутун иқтисодий вазиятни назорат қилдик. Ҳукумат давлат бюджетини Януковичнинг сайлов гуруҳини кўлаб-қувватлаш учун сарфлади. Бундан ташқари муҳолифат бюджет ва тўлов инкирозлари ҳақида намойишлардан анча олдин огоҳлантирганди.

— Ҳукумат истеъфога чиқарилди. Муҳолифатнинг режалари қандай?

— Ҳукумат ҳақиқатан ҳам истеъфога чиққанига ишончингиз қилинми? Амалдаги ҳукумат қонунчи ҳурмат қилмайдиган шахслардан таркиб топган. Қўшма Янукович парламент қарорини тан олмаслиги ва бу масала Конституциявий судда қайта кўриб чиқирилиши айди. Украина Конституциясининг 15-моддасига қўра эса, бундан вазир парламент томонидан ҳукуматга норозилик билдирилган ўз ваколатини топшириши керак.

— Украинага таршиф буюрган халқаро воситачиларнинг роли қандай бўлди?

— Мен уларнинг мақсадини унчалик ҳам тушунмадим. Л.Кучма томонидан Эълон қилинган қўшма баёнотда мавжуд эхтиросли вазиятни тезроқ юмшатиш мақсади турганини қўраётган холос.

Людмила ПУСТЕЛНИК, Киевда чоп этиладиган «Украина» журналининг халқаро ахборот бўлими муҳри.

«Ўзбекистон овози» учун махсус тайёрлади.

МУХОЛИФАТ ТУЗМОҚЧИ

Исроил ҳукуматида кўпчиликини ташкил этувчи «Ликуд» партияси вакиллари Меҳнат партияси бошчилигида муҳолифатни ташкил этиш таклифи билан чиқишди.

Кузатувчиларнинг фикрига қўра, бу ярим йил олдин вужудга келган сиёсий инкирозни тўхтатишга омил бўла олади.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Кеча Стокгольм ва Ослода 2004 йил Нобель мукофоти совриндорларига мукофот топшириш маросими бўлиб ўтди.

Одатдаги физика, кимё, тиббиёт, адабиёт ва иқтисодиёт бўйича мукофотларнинг Конфертлар залида Швеция қироли топширди. Ослода эса мукофотни Ослодаги Норвегия Нобель кўмитаси раиси топширади. Маросимда Норвегия қироли ва киров оила аъзолари ҳам қатнашди.



# ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕХНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОҒЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИҢГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИҢГ!



## ФАХРИДДИН РАЖАБОВ

(47-Регистон сайлов округи)

1962 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд давлат университети тамомлаган. Хуқуқшунос. Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Самарқанд шаҳар Темир йул туман халқ суди ижрочилигидан бошлаган. Кейинчалик суд мажлиси котиби лавозимга ўтказилиб, мазкур вазифада 1991 йилгача фаолият кўрсатган. 1991-1992 йилларда Самарқанд шаҳар «Қону» адвокатлик фирмасида иш бошқаруви бўлиб ишлаган. 1992 йилдан буён эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Оилали. Тўрт на-

фар фарзанди бор. Унинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида вилоятда 1992 йил «Қону» адвокатлик фирмаси ташкил этилди. — Мақсадимиз адвокатлик фаолиятини амалга ошириб, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш билангина чекланмади, — дейди у — Адвокатларнинг касб-малакаларини ошириш, билим савиясини юксалтириш мақсадида ўқув-семинар машғулотлари ташкил этишга ҳаракат қилишимиз. Бунинг учун етарли шароит ҳозирланган. Жумладан, керакли ўқув адабиётлари, услубий қўлланмалар, техник уқунлар мажмуи. Шунинг айтиши кераки, Самарқанд шаҳрида бевосита Ф.Ражабовнинг саъй-ҳаракати билан «Адвокатлар ўқув-ресурс маркази» ташкил этилган. «Қону» фирмаси мазкур марказ билан ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, адвокатлар касб-малакаларини ошириш, ёш адвокатларни касбга йўналтириш каби қатор тадбирларни бажариб

қилмоқда. Ҳа, хуқуқшунос Фахриддин Ражабов ҳамма одамлар манфаатини, ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришни ўйлайди, уларнинг ташвишига шерик бўлади. Халол, фидойи инсон. Унинг самарали хизматлари бир неча бор туман, вилоят ҳокимликлари фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Касбига содиқат, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик туйғуси ҳамда вазифасига масъулият билан ёндашиш — унинг фаолиятидаги устувор фазилат. У 2003 йил 26 февралда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлими бошқаруви аъзолиги, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлими ўқув-ресурс маркази раҳбарлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси бошқаруви аъзолигига сайланди. «Қону» адвокатлик фирмаси жамоаси яқинда жиноят, жиноят процессуал, фуқаролик, фуқаролик процессуал, ҳўжалик процессуал кодексларига, «Давлат божи тўғрисида», «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида», «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», «Пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини Олий Мажлисга тақдим этди. — Агар депутат, деган шарафга эришсам, — дейди Фахриддин Ражабов, — қатор қонунларнинг мукамил, ҳаёдаги реал воқеликни ҳисобга олган ҳолда тақомиллаштиришга ҳаракат қиламан. Олий Мажлисининг бўлажак Қонунчилик палатасидagi ХДП фракцияси орқали давлат ҳокимияти қонунчилик вакиллиги тармоғининг навбатдаги қақирғида бюджет ва молия сиёсатининг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий йўналтирилганлигини кўчатиришга оид ҳужжатларни тайёрлашда фавол бўламан...

## КАМОЛБОЙ ИСОБЕКОВ

(48-Сўғдиёна сайлов округи)



1954 йил Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги «Дехқонобод» кишлоғида зейли оиласида туғилди. 1976 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини, 1982 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институти (ҳозирги Иқтисодий университет)ни тамомлаган. Иқтисослиги — муҳандис-қурувчи ва иқтисодчи. Техника фанлари номзоди. Хизмат кўрсатган ишхори. — Партияимизнинг дастурий широрларидан бири, — деб гап бошлади у кечалина сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувда: «Инсон фаровонлиги — ислохотлар самарадорлигининг бош мезони» деб номланган. Ана шу ширордан келиб чиқиб, мен ҳам ўз ҳаракат дастуримда белгилаб олган йўналишларим бор. Жумладан: — мактаб таълимининг ри-вожлантириш, давлат умумтаълим мактаблари бинолари шиклаш ва ўқув-моддий базасини бюджетдан молиялаштириш микдорларини

ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланишни қатъий назоратга олиш; — аҳолига бепул тиббий хизматни жаҳонда эътироф этилган меъёрларга мувофиқ бўлишни кафолатлаш ва соғлиқни сақлаш муассасаларини бюджетдан молиялаштириш ўлчамларини қайта кўриб чиқиш; — уй-жой — коммунал хизмат ва транспорт хизматларида молиявий назоратни кўчатириш ҳамда монополияга қарши самарали чоралар кўриш; — даромади энг кам истеъмолат саватчасидан ошмайдиган одамлардан олинмайдиган даромад солиғи ва мажбурий ижтимоий тўловлар ставкаларини пасайтириш. — Ушунинг тугатиши биланоқ залда аввал қарорлаш янгради, кейин саволлар ёғилди. — Меҳнат фаолиятининг ҳақида гапирсангиз. — Меҳнат фаолиятини 1976 йил Тошкент илмий текшириш ва экспериментал лойиҳалаш институтида муҳандисликдан бошлаган

ман. 1979-1982 йилларда Тошкент политехника институтида аспирантурада ўқудим. 1982-1995 йилларда халқ ҳўжалигининг масъул лавозимларида, шунингдек, туман агросаноат бирлашмаси раиси ўринбосари, «Агрокоммунири-лиштавмирлаш» корхонаси бошлиғи лавозимларида меҳнат қилдим. 1995-1996 йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пайарик туман кенгашининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатдим. 1996-1999 йилларда Пайарик туман ҳокимлигининг меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи, 1999-2002 йилларда эса Пайарик тумани «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси, 2002-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазилиги тасарруфидagi «Ўзиртавмирқурилиш» уюшмасининг молиялаштириш бўлими бошлиғи бўлиб ишладим. 2004 йил февраль ойдан буён Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котибиман.

Қатор илмий асарларим, ишхориларим бор. Оилалиман. Икки нафар фарзандга отаман... — Бурчингизни қандай тушунасиз? — Ярим асрлик умрим давомида нимага эришган бўлсам ҳаммасига ота-онам, халқим ва Ватаним тўғрисида эришдим. Инсон бу фоний дунёда синов учун яшайди. Умр — ўтқинчи, ҳаёт — бетизгин. Кураш, интилиш, эзулик ва яхшилик учун яшаш умр зийнати. Элдодларим юрагидagi гапларни эшитиш, дардларини олий минбарлардан баралла айтиш — бурчим деб ўйлайман.



## МУҲИТ САЙДОВУТОВ

(49-Булунгур сайлов округи)

1953 йилда Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган. 1975 йил Самарқанд кишлоқ ҳўжалик институтини тугатиб, 1983 йилга қадар институтининг «Ўсимликшунослик» кафедрасида фаолият кўрсатди. Кейинчалик Иштихон туманидаги бир қатор кишлоқ ҳўжалик корхоналарида раҳбарлик вазифасида ишлаб келди. Ҳозир тумандаги А.Бердиқулوف номи ширкат ҳўжалиги раиси. Кишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди. — Бундай камтарин ва олижаноб инсонни камдан-кам учратганман, — дейди у ҳақда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари — котибият мудир Аллаёр Қиличев. — Ишини пухта билади, чуқур билимга эга. Кишлоқ ҳўжалигида

амалга оширилаётган ислохотларга — ҳам илмий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ёндашиб, холис лўлоса чиқаришга одатланган, фикрларини жамоатчилик ўртасига дадил ташлайди. Раҳбар сифатида ўз ўрни йўриғига эга инсон... Ҳа, Мухит Сайдовутов одамлар дардини ўз дарди деб билади. Ҳўжалик аҳолисини табиий газ билан таъминлаш, йўл қурилиши, ичимлик сув, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофазаси масалалари унинг доим диққат марказида. У бошлиқ ҳўжаликда пахта, галла ва бошқа соҳаларда муттасил юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Худудини ободонлаштириш ишлари сўнгги йилларда жадал тус олди. Ҳўжалик аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий аҳоли юксалди. Ҳа, эса жамоат ишлари ва бошланғич партия ташкилоти ҳаётида доим фаол. Аҳоли ўртасида ва ўз партиядошлари даврасида турли мавзуларда тез-тез суҳбатлар ўтказиб туради. Қандай лавозимда ишлагани, меҳнат фаолияти давомида топширилган ҳар бир ишга юксак масъулият билан ёндашади. Туман аҳли, партия фаоллари орасида хурмат-эътиборга эга.

Оилали. Олти нафар фарзанд отаси. 49-Булунгур сайлов округи сайловчилари Мухит Сайдовутовни дастлабки учрашувдаёқ илиқ кўтиб олдилар. Учрашувлардан сўнг ҳам уни ўз давраларига таклиф этиб гурунрга тортидилар. Сайловолди платформаси билан қизиқдилар. — Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш лозим, — деди у уларга. — Мамлакатимиз айнан шу соҳага кўпроқ иқтисослашганлиги тўғрисида тармоқда жиддий ишлар қилинмас экан, иқтисодиётимиздаги оқсаш давом этаверади. Соҳада барча мулквий ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар тизimini эркин бозор иқтисодиёти таъминиларига мувофиқлаштириш керак. Кишлоқларимиз пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашган корхоналарга муҳтож. Қолаверса, билаги кучга тўла кишлоқ ёшларига етарли иш ўринлари яратиш борасида энди кўпроқ ўйлашимиз керак... Унинг бу сўзлари барчага бирдек манзур туюшмоқда. Демак, 26 декабрь кунини бўлиб ўтадиган сайловда айни шу манзурлик ифодаси ёрқин намоён бўлиши, шаксиз.

## УЛУҒБЕК ВАФОВЕВ


(50-Иштихон сайлов округи)



1967 йилда Самарқанд вилояти Булунгур туманида туғилган. Тошкент молия институти, Самарқанд кишлоқ ҳўжалик институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамоат қурилиш академиясини тамомлаган. Иқтисослиги — иқтисодчи, ҳисобчи. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Жомбой тумани ҳўжалик санитария-эпидемиология станциясида ҳайдовчиликдан бошлаган. Шундан сўнг олийгоҳларда тахсил олиб, 1991 йилда Жомбой туманининг Улуғбек номидаги ҳўжаликда иқтисодиёт бўлиб ишлаган. 1991-1992 йилларда Ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти аспирантурасида тахсил олган. 1992-1994 йилларда Жомбой тумани молия бўлимида иқтисоди, мудири ўринбосари, 1994-1995 йилларда «Самарқанд-кишим» хиссадорлик жамоатида бош ҳисобчи ўринбосари, бош ҳисобчи, 1995-1996 йилларда акциядорлик тижорат «Савдогарбанк»нинг Самарқанд вилоят бўлимида бош иқтисоди, бўлим бошлиғи, амалиёт маркази бошлиғи ўринбосари — иқтисодий таҳлил ва режалаштириш

бўлими бошлиғи, 1997-1999 йилларда, «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 1999-2004 йилларда Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят Жомбой филиали бошқарувчиси лавозимларида ишлаган. 2004 йилдан буён «Узсаноатқурилиш-банк» Самарқанд минтақавий филиали бошқарувчиси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. Улуғбек Вафоевнинг таржимаи ҳолига назар солсангиз илмига чанқоқлиги кўзга аққол ташланади. Жомбой туманидаги ҳўжаликлардан бирида иқтисодчи лавозимида ишлаб туриб, Ўрта Осиё иқтисодиёти илмий тадқиқот институти аспирантурасида сирдан тахсил олди. 2000 йилда Тошкент молия институтининг молия-кредит факультетини тугатди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда иқтисод фанлари номзоди илмий унвоинга эга бўлди. Амалиётчи олим сифатида «Ҳўжалик яритишининг янги шакллари ва уларнинг самарадорлиги» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида халқаро ҳисоб-китоб муносабатларини тақомиллаштириш» мавзуларида қатор илмий асарлар ва амалий қўлланмаларга муаллифлик қилди.

— Мамлакатимиз иқтисодий самарадорлигини белгиловчи бош кўрсаткич — аҳоли реал даромадларининг ўртача жом бошига тўғри келадиган улushi салмоқли бўлиши керак, — дейди у. — Агар насиб этиб, депутатликка сайлансам, Қонунчилик палатасида «Тирчилик учун зарур энг кам миқдор ва энг кам истеъмолат саватчаси тўғрисида» ҳамда «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун астойдил ҳаракат қиламан... Айтиши жоиз, бу кўзланган макссадларни амалга ошириш учун номзоднинг сайловолди дастурида батафсил асослар бор. Жумладан, аграр соҳадаги ислохотларни янада кўчатириш, мамлакат бюджетни ва молия сиёсатида самарадорликни ошириш йўллари борасида аниқ йўналишлар белгиланган.



## АБДИНАЗАР НУРМАТОВ

(51-Каттақўрғон сайлов округи)

1955 йил Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Чордара (ҳозирги Мушкент) кишлоғида деҳқон-чорвадор оиласида туғилган. Тошкент Ирригация ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институти тамомлаган. Иқтисослиги — инженер-механик. Меҳнат фаолиятини 1977-1980 йилларда Самарқанд вилояти, Нарпай тумани «Зарафшон» жамоа ҳўжалигида техника хавфсизлигини муҳандислигидан бошлаб, сўнгра шу ерда механик бўлиб ишлаган. 1980-1986 йилларда тумандаги Исом Шоир номи ширкатлар уюшмасида муҳандис, бош

молиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида катта ўқитувчи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширувчи Олий инженерлик педагогика институтида ўриндошлик асосида ишлаб келмоқда. Ўзбекистон журналистлари уюшмаси аъзоси. Республика матбуотида турли мавзуларда қизиқарли мақолалари билан доимий қатнашиб туради. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор. Абдиназар Садиновичнинг ҳаракат дастури УзХДП дастури билан ҳамоҳанг. У ислохотларнинг ҳозирги бошқичида қуйидаги долзарб муаммолар ижросини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда тартибга солиш масалаларига биринчи навбатда эътибор қаратмоқ лозим деб ҳисоблайди: — аҳолининг, айниқса ёшларнинг тўлиқ бандлиги таъминланмаган ва ишчи кучи ортиқча булган минтақаларда иш ўринларининг ўта танқислиги;

— кишлоқда эркин бозор иқтисодиёти таъминиларига мувофиқлаштиришга қолоқлик; — истеъмолат бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган моллар ва хизматлар билан тўлдириш даражасининг пастлиги; — банк тизимини томонидан қонун билан белгиланган пул айланмаси тартибининг қоникарсиз баҳарлиши натижада мамлакатнинг деярли барча минтақаларида иш ҳақи, пенсия, стипендия, ижтимоий нафақалар ва аҳолига берилладиган бешка нақд пул тўловларининг сурункали кечиши ва ҳақоза; — ўсиши ўртача иш ҳақи ўсиши сурьатларидан бир неча марта ортиқ булган асосий коммунал хизматлар нархлари устидан молия органлари томонидан назоратнинг қоникарсизлиги ва бошқалар.

## ШАВКАТ УСМОНОВ

(53-Нарпай сайлов округи)



1960 йилда Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида хизматчи оиласида туғилган. Партияси-сиз. Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтини тугатган. Айни пайтда шу олий даргоҳнинг иқтисодиёт факультетида сирдан тахсил олмоқда. Иқтисослиги — қурувчи-муҳандис, иқтисодиёт-менеджер. Меҳнат фаолиятини 1983 йилда «Сирдарёгаз» вилоят бошқармасида катта усталиқдан бошлаган. 1987-2000 йилларда «Самарқандгаз» вилоят бошқармасида турли лавозимларда: бошқарма бошлиғининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари, бош муҳандис вазифарлиги ишлаган. 2000-2002 йилларда Самарқанд вилояти худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, кейинчалик «Сувоқева» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, 2002 йилдан бошлаб «Самарқандгаз» худудий газ таъминоти корхонаси директори лавозимида ишлаб келмоқда. Оилали. Уч нафар фарзанди бор. У иш бошлаган 1987 йилда вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминлаш 21 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 85,6 фоизга кўтарилди. Шубҳасиз, бу ижобий ўсишда унинг ҳам камтарона меҳнатлари, касбга бўлган фидойилиги мужасам. Унинг бевосита раҳбарлигида вилоятдаги ўндан ортиқ худудий туман газ таъминоти корхоналари янги замонавий бинога эга бўлди. Шу кўнларда вилоят аҳолисини газ ўлчигич асбоблари билан интиёзли равишда таъминлаш ишлари ҳам нияҳосига етказилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда вилоятнинг қишлоқ туманларида газлаштириш билан боғлиқ жуда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Нарпайдаги «Ҳақиқат», «Ўзбекистон»,

«Оқ олтин» каби ҳўжаликларда қурилиш-монтаж, юқори босимли газ қувурларида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан раҳбар, Пахтачи туманидаги Охунбобоев номи, Махманов номи, «Қарнаб» ҳўжаликларидagi бир қатор қишлоқлар аҳолисини ҳам табиий газ билан таъминлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Шавкат Усмонов ўзига талабчан раҳбар сифатида соҳадаги муаммоларни ҳал этиш устида тинимсиз изланади. Сайловолди дастуридан ўрин олган макссадлари: — аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ (айрим худудларда) билан таъминлаш ишларини янада яхшилаш юзасидан таклиф киритиш; — коммунал тўловларда аҳоли даромадини ҳисобга олиш; — кишлоқ ҳўжалигида тўпланиб қолган бир қатор муаммоларни бартараф

этиш. Фермер ҳўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ваколатларини ошириш, улар фаолиятига четдан аралаша борма берилиш; — кишлоқ аҳолисини турмуш даражасини кўтартиш. Ҳўжувчилар, шифокорлар, кутубхоначилар олийк маошларини ошириш; — кам таъминланган, бовувчисини йўқотган оилалар ҳамда ногиронларга турли тўловлар бўйича ажратилаётган компенсация пулларини қайта-наво оширилганда қайтардан кўриб чиқиб, унга тенглаштириш кабилардир.



ХДП НОМЗОДЛАРИ МЕХНАТ АҲЛИ, ИЖТИМОЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА БЕЛ БОГЛАГАН. УЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ, УЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

МАЖИДХОН УСМОНОВ

(54-Оқдарё сайлов округи)



1956 йилда Оқдарё туманида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси ва ҳуқуқшунослик факультетларида тахсил олган.

Меҳнат фаолиятини 1973 йил Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги «Тошкент» хўжалигида ишчилардан бошлаган. 1979-1982 йилларда Оқдарё туманидаги 192-қасб-хунар мактабида ўқитувчи, 1982-1985 йиллар туман воғза етмаганлар билан ишлаш миссияси котиби, 1985-1996 йилларда

туман агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси котиби раиси вазифаларида фаолият кўрсатди. 1996 йилдан буён Самарқанд агроиктисодий коллежида директор ўринбосари.

Вилоят миқёсида ўрта-махсус ўқув юртлири талабалари ўртасида ўтадиган мусобақаларда Маждидхон Усмонов бошлик коллеж жамоаси доимо фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Узи ҳозир «Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасидаги ислохотлар шариҳида ўрта-махсус, қасб-хунар тизимини бошқариш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида самарали иш олиб бормоқда.

Маждидхон Усмоновнинг тез тез ўқувчи ёшлар, деҳқонлар, зиёлилар даврасида қизгин сўхбатлар олиб бораётган пайтда унрабасиз. Янгиликка ўч, ташаббускор, барчага гамхўр ва меҳрибон инсон. — Маждидхон Усмонов ном-

зоди ҳаётининг қайноқ жабҳаларидан танланган, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Самарқанд агроиктисодиёт коллежи директори Саидрасул Остонов. — Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, таълим тизимидаги янги босқичлар амалга татбиқ этилиши борасида тинимсиз изланади.

Маждидхон Усмоновнинг номзодлик дастуридан: — давлат бюджетидан молиялаштирилган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, юқори малакали педагог ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлишини яхши андозалари даражасига олиб чиқиш;

— ўрта махсус ўқув юртлири, хусусан, қасб-хунар коллежларида тахсил олган ёшлар ўз қабилари доирасида иш билан таъминла-

нишидек мураккаб масала устида иш олиб бориш;

— аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар механизмни янада такомиллаштириш;

— маълумки, Оқдарё тумани аграр соҳага ихтисослашган ҳудуд. Шу боисдан, туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган қорхоналар, ҳеч бўлмаганда қичик қорхоналар сонини ошириш ва бунинг негизда қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш;

— ҳаётнинг ў ёки бу жабҳасида учраётган муаммолар, суний тўсиқларга қарши муросасиз курашиш...

Ха, Маждидхон Усмоновнинг олдига қўйган режаларни кўп. Энг асосийси — халқнинг унга овоз беришида.

ОЙША ИСЛОМОВА

(55-Пастдарғом сайлов округи)



1965 йили Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида туғилган. СамДУ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Давлат ва жамият қурилиши магистри. Ихтисослиги — рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Меҳнат фаолиятини 1987 йилда Пастдарғом туманидаги 17-ўрта мактабда бошлаган. 1990-1991 йилларда Самарқанд вилоят ёшлар ташкилотига йўриқчи, 1991-1995 йилларда вилоят хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси, референти, вилоят ҳокимлиги умумий бўлимининг етакчи референти вазифаларида ишлаган. Шундан сўнг бир неча йил вилоят, шаҳар миқёсида масъул лавозимларида фаолият кўрсатган. 2004 йилдан буён Самарқанд вилоят ҳокими ўринбо-

сари, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси раиси Котибияти бош мутахассиси лавозимда ишлаб келмоқда. Ойшани, икки нафар фарзанди бор.

Ойша Исломова хотин-қизларни ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилишни ўзининг шарафли бурчи деб ҳисоблайди. У вилоятда истиқомат қилувчи аёлларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, айниқса кам таъминланган, ногирон ва боқувчиси йўқотган кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш бобида талай хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жонкуяр бу аёл вилоятда яшаб, ишлаб чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш каби турли тизимларда меҳнат қилиб келаётган хотин-қизларнинг меҳрибон маслаҳатгўйи сифатида уларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини аниқлашларида имкон қадар ёрдам бериб келмоқда.

Ойша Исломовадан сайло-

волди дастури ҳақида сўраганимизда у шундай жавоб берди:

— Мен аввало аёлман, онаман, шу боис янги Қонунчилик палатасида аёлларимизнинг ижтимоий манфаатини ҳимоялаш устувор мақсад бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Шунингдек:

— халқ таълими тизимида ажратилаётган маблағлар тўғри сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

— олий ва ўрта махсус ўқув юртлирини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистон фуқароларининг бошқа мамлакатларга вақтинча ишлаш учун бориши билан боғлиқ ҳужжатларни соддалаштириш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли бўлимлари курсатадиган хизматлар

ҳақини сезиларли даражада арзонлаштириш;

— пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини тирриклик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражага босқичма-босқич етказиш бўйича давлат дастурини қабул қилиш;

— тиббиёт ходимларининг иш ҳақини ошириш ҳамда бепул хизматлар тоифасига киритилган тиббий хизматлар қиймати бюджетдан қопланишини таъминлаш қабили.

АСЛИДДИН РУСТАМОВ

(56-Пайарик сайлов округи)



У 1962 йилда Самарқанд вилояти, Пайарик туманида туғилган. Самарқанд Давлат университети филология факультетини, Тошкент Давлат иқтисодий университети магистратурасини тамомлаган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси.

Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Пайарик туманидаги 53-мактабда ўқитувчилардан бошлаган. 1994 йилда Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгашига ишга ўтди. Ушандан буён, мана, ўн йилдирки у мамлакат сиёсий майдонида фаолият кўрсатиб келмоқда.

1994-98 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида тарғиботчи, катта референт, ташкилий ишлар бўлими мудирини ўринбосари бўлиб ишла-

ди. 1998-2001 йилларда «Туронбанк» да ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, Бошқарув раиси ёрдамчиси, котибият мудирини, умумий бўлим бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. Айни чоғда 2003 йилгача Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби лавозимда хизмат қилди.

2003 йилнинг декабрь ойидан Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби.

Кўриниб турибдики, у сиёсий партияда энг оддий вазифадан раҳбар даражасигача бўлган йўлни босиб ўтиб, етарли тажриба тўплаган. Яна бир эътиборли жиҳати у халқ таълими, иқтисодиёт соҳалари ва қишлоқ аҳли ҳаётини яхши билади. Нафақат Пайарик тумани, балки сиёсий партия раҳбари сифатида республикамизнинг деярли барча қишлоқ туманларида бўлиб, одамларнинг кўнуч ташвишлари билан танишган, муаммоларини ўрганган.

Бугунги кунда сиёсий партияга, сиёсий партия бўлганда ҳам мустақил мамлакатимизда биринчи бўлиб тузилган, аъзоларининг сафи энг кўп партияга раҳбарлик қилиш осон иш эмас. Бу вазифа қишидан катта ташкилотчилик, тадбиркорлик ва чуқур

сиёсий билим талаб этади. Бу фазилатлар Аслиддин Рустамовда етарли эканини партиядошлари яхши билишади. Унинг ташаббуси ва ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси томонидан уй-жой, коммунал, транспорт хизмати учун тўловларни асосий оширмалик, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳаларидаги айрим муаммолар ечими, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби кўплаб масалалар бўйича таклифлар Олий Мажлис сессиялари ва турли нуфузли йиғинларда кўтарилди.

Аслиддин Рустамовнинг сайловолди дастури, табиғийки, ХДПнинг сайловолди платформаси билан боғлиқ. У нафақат сиёсий партия етакчиси, агар сайловчилар ишонч билдирса депутат сифатида ҳам партия дастурида белгиланган режалар учун курашади. Дастурда эса асосан меҳнат аҳли, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами, хусусан, ногиронлар, пенсионерлар, ёлғиз қари-ялар, ишсиз ёшлар манфаатлари ҳимоя этилади. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон эътиборда бўлиши, муносиб ҳаёт кечирishi учун кураш олиб боради.

КОМИЛА КАРОМОВА

(104-Қарши сайлов округи)



1960 йил Қарши шаҳрида туғилган. Журналист. 1982 йил ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Тўрт йил Нишон туманидаги «Меҳнат байроғи» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. 1994-1995 йилларда шаҳар хотин-қизлар кенгаши раиси, 1995 йилдан қўллаб-қувватлаш ХДП Қарши шаҳар кенгаши котиби. Уч нафар фарзанднинг онаси. Қарши шаҳар кенгаши депутати. «Сизни кўргим келди» шеърлар китоби чоп этилган.

Ушанда хотин-қизлар кенгаши раиси эди. «Менга журналист Каромова керак», деб излаб келган, рашк туйғуларининг қотилиги айланиб қолган аёлнинг аччиқ қисмати билан танишди. Ўн йил қамоқда ўтирган аёл хали ёш, аммо фарзандлари юз ўтиргани туйғуларини умидлари чилларчин бўлганди. Комила, ўз оналик қалби билан англадики, бу аёлнинг сунги илжи ҳаёт-мамонт орасида. Дарров кўнглини кўтарди. «Ишга жойлашинг, болаларингизга иқтисодий кўмак бериб туринг, кўнгиллари зора илгир», деди. Ёрданини аямасди. Аёл ишга жойлашди, ўй олди, охири болалари онасининг гуноҳини кечирди. Бир инсон ҳаётга қайтди. Ҳозир ахир ашамоқда, Комилани бот-бот йўқлаб ту-

ришади.

Бу — журналист, шоира ва ташкилотчи партия ходимаси Комила Каромова ҳаётидан бир лаҳза, холос. Айни пайтда 5300 нафар аъзони бирлаштирган ХДП Қарши шаҳар кенгашининг оубриси тобора ошаётгани, мавжуд 61 маҳалла фуқаролар йиғинларининг 56 тасига ХДП аъзолари раислиққа сайлангани ва бошқа ибратли ишларда унинг ҳиссаси озмунча эмас. Қарийб ўн тўрт йилдан буён Комила Каромова шаҳар кенгаши депутати.

Узоққа бормаёлик. Вилоят газетасида босилган «Оққан дарё оқаверади», «Соғинчларим санчик энди, Бешкент арик» мақолаларида муҳим муаммони дадил кўтариб чиқди. Натияжада вилоят ҳокимининг қарори ва кўмаги асосида тикланган қадимий Бешкент ариги ҳозир шаҳардаги 14 маҳалла томоққаларига, боғларига сув узатаётти.

— Ҳиммансуб партия билан фахрланаман, бироқ журналистлигим ҳам кўп ишда қўл келади, — дейди Комила Каромова. — Менимча, ҳар бир партиянинг фаолияти Ватан тақдирини, эл фаровонлигини билан боғлиқ. Мен партияимизнинг «Сайловолди платформаси»да баён этилган мақсад ва режаларга батамом қўшила-

ман. Аввало, бу фикрларнинг кўп қисми бизнинг вилоятимиз партия йиғини олиши билан партия конференцияларида ҳам кўтарилган...

Бир нарсани эътиборга олиш лозим: иқтисодий-ижтимоий тараққиёт ва шахс камолоти тамойиллари бир-бирига боғлиқ. Масалан, барча оналар сингари мен ҳам ўз фарзандларим эришаётган муваффақиятлардан севи-наман. Бироқ, хали оғриклик масалалар тугал ечилган эмас. Мисол тариқасида, коллежларда ва бошқа илм даргоҳларида етишиб чиқаётган хунармандларни олайлик. Уларнинг қанча қисми ишли бўла олади? Ортиқча меҳнат ресурсларини пайдо бўлаётганидан кўз юмиш керакми? Йўқ, ўқитиш, касбага тайёрлашнинг аниқ ҳуқуқий меъёрлари ишланши лозим...

МАШКУРА САФАЕВА

(105-Бешкент сайлов округи)



У 1950 йилда Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилган. Партиячиси. Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Олий маълумотли, ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини 1967-йилда бошлаган. 1968-1975 йиллар давомида Тошкент шаҳар судида котиба, девонхона мудирини, катта консультант вазифаларида ишлаган. 1975 йилдан Собир Раҳимов туман судида судья, орадан бир йил ўтгандан сўнг, Тошкент шаҳар суди судьяси, фуқаролар ишлари бўйича судлов хайъати раислиғига тайинланди. 1985-2000 йилларда олий суд судьяси, фуқаро-

ролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси лавозимларида иш олиб борган.

1999 йил Иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида депутат этиб сайланган. Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари, 2000 йилдан Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси лавозимда ишлаган.

Машкура Сафаева иш фаолияти давомида II қақирқққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган 100 дан ортиқ қонунлар, 300 дан кўпроқ қарорлар, халқаро шартнома ва битимларни ратификация қилишда, бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишида фаол қатнашди.

Шу давр мобайнида Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси томонидан тайёрланган псих партия ёрдами, аҳолини сил касаллигиндан муҳофаза қилиш, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги, Қизил ярим ой ва Қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда

уларни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қатор қонунлар ва Меҳнат, Оила кодексларида ҳамда ногиронларни ҳимоя қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, давлат пенсия таъминоти, фуқаролар соғлиқини сақлаш каби қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари Олий Мажлис сессияларида қабул қилинди.

Машкура Сафаеванин сайловолди дастуридан қуйидагилар ўрин олган:

— фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунчиликни ривожлантириш;

— фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, қонун ҳужжатларини яхши билишларига эришиш, бу ёрдада оммавий ахборот воситаларининг фаолигини ошириш;

— пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрданининг бошқа турларини тирриклик

учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган даражада босқичма-босқич етказиш чораларини кўриш;

— пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, аҳолини кўп болали ҳамда кам таъминланган ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари учун сифатли ва бепул даволаниш кафолатларини яратишга эришиш;

— аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишлари билан биргача оилалардаги меҳнат ва уй бекалик шартларини яхшилашга эришиш;

— ишлайдиган пенсионерларга пенсияларини тўлашдаги чеқлашлар олиб ташланишига эришиш;

— ички ва ташқи меҳнат миграциясини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва мигрантларнинг ижтимоий ҳимояси соҳасида ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш қабили.

МАҲФИРАТ ШАЙМАРДОНОВА

(106-Қамаши сайлов округи)



1959 йилда Қамаши туманида туғилган. 1981 йилда Самарқанд Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. 1981-1985 йилларда Қамаши туман қишлоқ хўжалик техникалари бирлашмасида ҳуқуқшунос, 1985 йилдан Қашқадарё вилоят адвокатлар уюшмаси аъзоси, 1992 йилдан бошлаб Қамаши туман ҳуқуқий маслаҳатхонаси мудирини, икки нафар фарзанди бор.

Унинг ҳамон эсида, отаси ҳўжаликка раҳбарлик қилар, ишда ҳам, оилада ҳам қаттиққўл, талабчан эди. Маҳфират ҳуқуқшунос бўлмоқчи эканигини айтганда, райини қайтармади. Аммо узоқ ўйлаб шундай деганди: «Орун ниҳолга ўхшайди, ҳаммаси парваршига муҳтож, одамларга нафиги тегса, майли, ўйи, Лекин чуқур билим керак. Яна билиб қўйи, адолат ва ҳақиқат қозоғда юзага чиқмайди. Курашиш лозим, илм ҳам, меҳр ҳам қарга олин-

майди, қизим...»

Ота ўғилларини Маҳфират хамиша қалбида эъзозлаб келди. Университетда пухта билим олди. Иш давомида хатолардан хулоса чиқаришга ўрганди. Эди-воқат сифатида кўплаб чигал воқеаларни судда таҳлил этишга, миҳозларининг қонуний манфаатларини ҳимоялашга ҳаракат қилди. Мувожабат қилганлардан ёрданини аямасди. Баъзан шундай бўлардики, қонун ҳужжатларини ўрганиб, туни тонга улурди.

Аслида ҳам судлов ўта мураккаб жараён. Жиноят ишлари, фуқаролик ва ҳўжалик низоларини, бариси — ҳуқуқшунос маслаҳатчини, адвокатдан бор кучи ва билимини беришни талаб қилади. Яқинда узоқ вақт ўз ҳақини ололмаган бир ижтимоий манфаати қандай ҳимоя қилганини гапириб берди. Гап шунда эдики, ҳўжалик ва ижтимоий ўртасида шартнома ҳўжақўрсинга тузилганди. Ҳужжатлар етарли эмасди. Аммо ижтимоий меҳнат қилгани, кўп хосил олгани рости эди. Буни аниқлаш учун далага чиқди, бухгалтерия ҳўжатларини ўрганди, даромадини

қайта ҳисоблатди. Чалқашликлар аниқланди. Ҳўжалик суди ижтимоий ҳақини ундириб берди...

— Биласизми, миҳозларимиздан биттаси партияимизнинг сайловолди платформаси босилган газетани олиб келди, — дейди Маҳфират Шаймардонова. — «Опа, шулар ҳақиқатми?» деб сўради у. Уни энг кам иш ҳақларини ошириш, ижтимоий муҳофаза, айрим қонунларга ўзгаришлар киритиш режалари қизиқтираётган экан. Бу оддий савол эмас эди. Унга тушунтиришга ҳаракат қилдим... У кетгач, барибир яна партияимизнинг йўли, мақсади, режалари акс этган ҳўжжати қайта ўқиб чиқдим.

Ҳўш, нима учун курашаемиз ўзи? Гап янги парламент ёки маҳаллий Кенгашлардан шунчаки ўрин олиш ҳақида кетмаепти. Давлат ва жамият қурилишини янада ислоҳ қилиш, янги поғонага кўтариш мақсад қилиб қўйилмоқда. Масалан, бу йил вилоятда 16 миңдан ошқ фермер ҳўжаликлари асосий пахта ҳосили-

ни етиштирдилар. Яна юзлаб фермер ва деҳқон ҳўжаликлари тузилмоқда. Шартнома шартлари борасида кўплаб низолар туғилаепти. Демак, бу соҳадаги қонунларни такомиллаштириш лозим. Тадбиркорлик — тараққиёт пойдевори экан, унга тўсиқ бўлаётган ёки ўзини оқламаётган тушунчалар, қондалар ўзгаририлиши лозим. Менимча, депутат қонун яратишда ҳам сессияларда давлат, халқ тақдирини фидоаланган масалаларни муҳофазатида ҳам фаол ҳушёр, талабчан бўлиши лозим. Мен ҳам шу тегнисиз Ватанга, халқимизга хизмат қилишга чоғланган бир фуқароман.



Тахририятимиз меҳмони

Ўшунинг жарағондор, тиниқ овози билан машҳурлик суласига тобора ақинлашиб келаётган ёш, истеъдодли кўшиқчини тахририятимизга таклиф этдик.

Севинч МҮМИНОВА 1982 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган.



САНЪАТИМИЗ СЕВИНЧИ

— Шу кунларда қандай ижодий ишлар билан банд-сиз? — Янги кўшиқларим жамланган учинчи альбом устида ишляпман.

мақолларни ёд биладилар. Ҳаётдаги ҳар бир ҳолатга хос мақол айтиладилар. Шу ўринда оиламизнинг аъзолари бўлган Олам Шахло, укам Камронхонлар ҳам энг яқин сунячликларим.

РАҚИБЛАР АНИҚ

Декабрь ойи нафақат кишининг бошланиши, балки янги мавсум тараддуди, айни пайтда орда қолаётган йилнинг сарҳисоб даври ҳамдир.

росимида уларнинг нисбатан «кучсизлар» саватчасидан жой олганлиги боис ғалабага умид қилсақ бўлади.

Терма жамоалар номи яширилган саватчалар ёнига Осиё футбол конфедерацияси бош қотиби Питер Велеппан яқинлашди ва жамоалар рақибларини ҳал қилишга киришди.

ОФК қароргоҳида бўлиб ўтган анжуманлардан яна бири 2004 йил якунларига бағишланди.

Мутахассисларнинг фикрича, «А» гуруҳида Саудия Арабистони ва Ўзбекистон, «В» гуруҳида эса Эрон ва Баҳрайн терма жамоалари

Бошқа номинациялар бўйича голиблар номи билан танишинг: энг яхши терма жамоа Япония, энг яхши жамоа — «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони), энг яхши аёллар терма жамоаси — Хитой (Е-19), энг яхши ёш ўйнаичи — Парк Чу Йонг (Жанубий Корея), энг яхши футболчи аёл — Хомаре Сава (Япония), энг яхши мини-футбол терма жамоаси — Эрон, энг яхши ҳакам — Лу Жун (Хитой), энг ҳалол жамоа — Хитой.

Едингида бўлса, 1998 йилги жаҳон чемпионатининг дастлабки саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган терма жамоамиз ҳал қилувчи паллада Япония, Жанубий Корея каби «гранд» жамоалардан доғда қолган эди.

Осиё футболлида чемпионлар лигаси бахслари ўзига хос нуфузга эга. Мазкур мусобақанинг 2005 йилги иштирокчилари кунни кеча ўз рақибларини билиб олишди.

Биринчи рақибларимиз ҳақида ҳам фикр билдирсақ ўринли бўларди. Жанубий корейликлар сўнгги йилларда дунёнинг кучли терма жамоалари билан тенгма-тенг ўйнаётган бўлса, Саудия Арабистони терма жамоаси ҳам барча нуфузли мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, анчайин тажриба тўплаган.

Турнирнинг ўтказилиш тартибига ўзгартириш киритилмади. Футболи ривожланган муҳтўр мамлакатнинг икки етакчи жамоаси ўз собақаларда иштирок этади.

— Шу кунча нечта кўшиқ тайёрладингиз. Келгуси режарингиз қандай? — Кўшиқларимни санамайман. Баракаси уцади. Мухлисларим томонидан олқишлар билан кутиб олинган «Тулиной», «Болалигим», «Мухаббатим», «Жоним-жоним», «Ортиқ севмайман», «Бевао ёр» каби кўшиқларимдан сўнг янада баландкор иролар устида ишляпман.


Шунингдек, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги кўта биринчилигининг саралаш бахсларига қўра ташланди. Унга қўра, ўсмирларимиз «F» гуруҳида Непал ва киргизистонлик билан куч синашди.

— Сухбатингиз учун раҳмат. Халқимизнинг, санъатимизнинг Севинчи бўлиб қолишингизга тилакдошим.

Анвар САМАДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Интер-спорт

КЛИЧКОГА ОМАД ТИЛАБ



Маълумки, бугун украинлик Виталий Кличко билан британиялик Дэнни Уильямс ўртасида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони белбоғи учун жанг бўлади.

Ўшунинг жарағондор, тиниқ овози билан машҳурлик суласига тобора ақинлашиб келаётган ёш, истеъдодли кўшиқчини тахририятимизга таклиф этдик.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси боро эксперти М.С.Усмонова падири бузуковори

Ўқиматли сўзлар маъноси

ТАРОЗИГА ҚАРАБ ТОШ ҚҲЙГАН ЯХШИ Тарози ҳар хил бўлади: баъзиси пуд-пуд тошни кўтара олади, баъзиси (масалан, заргарлар тарозиси) бир қадқ тошни ҳам кўтара олмайд.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектлар номи: 1. Фарғона шаҳридаги 7-сонли касб-хунар мактабини қайта таъмирлаб, 300/50 ўқувчи ўринга мўлжалланган касб-хунар коллежига мослаштириш.

Давлат мўлки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

2005 йилнинг 11,14,18,21,25,28 январь ва 1,4,8,11,15,18,22,25 февраль кунлари ўтказилаётган аукцион савдоларига таклиф этилади!

BOSH MUHARRIR: Safar O'STONOV TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla O'RIPOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobol SHAKAROV

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45

VILOYAT MUHBIRLARI:

- Andijonda 25-32-70 Buxoroda 222-10-92 Gulistonda 25-03-80 Jizzaxda 5-49-85

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan royxatga olingan.